



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 76 (8316).

17 апрель, 1984 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил 1 Май Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
Яшасин пролетар, социалистик интернационализи!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик салом!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустақамланаверсин!

5. Жаҳон социализми — халқаро пролетариат ва миллий-озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустақамланаверсин!

6. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик салом!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, Ер юзиде тинчликни мустақамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

7. Мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социалистик ривожланиш йўлини татқиқлаётган халқларга қардошлик салом!

8. Миллий мустақилликни мустақамлаш ва социал тараққиёт учун мардонавор курашаётган халқларга қардошлик салом!

9. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик салом!

10. Озодлик, демократия ва социализм учун курашиб, фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик салом!

Имперализм ва реакция тутқунларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Импералистик агрессия ва зуравонликка қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танг вазиятлар манбаларини тутатиш учун қатъият билан курашингиз!

12. Имперализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустақамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик салом!

Жанубий Африка ва Намибия халқларига озодлик!

13. Имперализм ва реакцияга қарши, тинчлик ва ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қардошлик салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини ва Америка қўшинлари Гренададан олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз!

14. Араб мамлакатларининг халқлари! Исроил агрессиясига ва имперализм ҳукмронлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипсдаштирингиз! Совет-Араб дўстлиги мустақамланаверсин!

15. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари босиб олган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетишига, Ливан ва бошқа араб мамлакатларининг ишларига империалистларнинг аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластинлик араб халқининг адолатли кураши билан бирдамликни мустақамлангиз!

Яқин Шарқда мустақам ва адолатли тинчлик бўлсин!

16. Европа мамлакатларининг халқлари! Американинг янги ядро ракеталари Фарбий Европада олиб чиқиб кетилиши учун курашни кучайтирингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қарор топсин!

17. Осиё мамлакатларининг халқлари! Имперализмга, янги мустамлакачилик ва гегемонизмга

қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз! Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

18. Жаҳон халқлари! Имперализм агрессив кучларига қарши, ядро уруши хавфини бартараф қилиш учун курашни кенг авж олдиригиз! Ядро, химия қуроллари ва оммавий қирғин қуроллари билан бошқа турларига тақиқлашни талаб қилингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатиш ва тинчликни сақлаб қолайлик!

19. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Совет Тинчлик программасини амалга оширайлик!

20. Коммунизм бунёдкори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашичи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

21. Коммунистлар! Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафиде бўлингиз!

Ривожланган социализм жамиятини ҳар томонлама такомиллаштириш — партия билан халқнинг стратегик вазифаси!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиригиз! 1984 йил планини ва умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарайлик!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннахарини арзонлаштириш планини ошириб бажариш учун сабот билан курашингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиригиз! Фан, техника ютуқларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этингиз!

Халқ ҳўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машина ва уқуналардан фойдаланишни яхшилашга эришингиз!

Янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш учун курашингиз!

26. Совет Иттифоқи граждандари! Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз! Моддий, энергетика, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларини ҳал этиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда актив қатнашингиз!

Шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишига эришингиз!

29. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Уюшқонликни ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан кучайтирингиз!

Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдорларча, ватанпарварлик меҳнати билан мустақамлайлик!

30. Ёқилғи-энергетика комплекси ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр энергия ҳосил қилишни кўпайтирингиз!

31. Совет металлургалари! Мамлакатнинг металл бўлган эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

Сифатни оширингиз, тежамли металл маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз!

32. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

Халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуролаштиришни жадаллаштирингиз!

33. Химия саноати ходимлари! Халқ ҳўжалиги билан аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларига эҳтиёжини тўла таъминлаб турингиз!

34. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олдингиз, молларнинг хилини янгилашни жадаллаштирингиз!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш — халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг иши!

35. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ ҳўжалик юкларини узлуксиз ташишга, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятига эришингиз!

36. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Тежамли ва сифатли, замонавий техника асосида қуригиз! Ишга туширилаётган объектларни муддатда топширингиз!

37. Агросаноат комплекси ходимлари! Мамлакатининг озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига, даладар ва фермаларнинг маҳсулотлари тўла сақланишига эришингиз!

Озик-овқат программасини бажариш учун курашингиз!

38. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Қўламги дала ишлари аниқ ташкил этилсин ва юксак сифатли ўтказилсин!

39. Қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари! Чорвачилик маҳсулдориининг бутун чоралар билан оширингиз! Унинг ем-хашак базасини мустақамлангиз!

Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтирингиз!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиригиз!

41. Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техника тараққиёти учун, Ватанимиз экономикасини янада мустақамлаш учун курашчиларининг биринчи сафлариде бўлингиз!

42. Совет олимлари! Тадқиқот ишларининг натижаларининг оширингиз! Фан ютуқларини практикага жорий этишга актив қўмақлашингиз!

43. Идеология fronti ходимлари! Партия ғояларини эътиқод ва эҳтирос билан оммага етказингиз, ривожланган социализм жамияти ютуқларини чуқурроқ ва ёрқинроқ кўрсатиб берингиз!

Империалистларнинг кўпуровчилик пропаганда-сини актив фож қилингиз!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

44. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчилик байроғини баланд кўтариб бори-нгиз!

Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

45. Халқ маорифи ходимлари! Еш авлодини ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашни бутун чоралар билан яхшилангиз! Мактаб ўқувчиларига

ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббатни сингди-рингиз!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашингиз!

46. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшилангиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз!

47. Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини оширайлик! Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шухратини кўпайтирингиз!

48. Совет касаба союзулари! Меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, ҳўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзулари!

49. Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, коммунизм ёш бинкорларининг илгор отряди — Ленин комсомоли!

50. Игит ва қизлар билимларини, маданиятини, касб маҳоратини сабот билан эгаллангиз!

Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар бўлингиз!

51. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Еш авлодга ўзингизнинг ғоявий эътиқодингизни синдириб, уни бой ҳаётий тажрибангиздан баҳраманд этинг!

Игит ва қизларни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион анъаналари, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

52. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

53. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сергак туриб, пухта қурилангиз!

Яшасин СССРнинг шавкатли Қуроли Кучлари! 54. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мислиси жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

55. Яшасин жамиятимиз кучларининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

56. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ эъбиладарининг мустақам иттифоқи!

57. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам демократик органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг граждандари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив қатнашингиз!

58. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг мустақам бирлиги, улуғ Ленин вазиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

59. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

60. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик қурилишда янги ғалабалар сингди, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ПАРТИЯНИНГ ИШИ — БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИ

ЎТган ҳафта мамлакатимиз турмушида катта-катта сиёсий воқеалар билан ниспоналанди. Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Барча совет кишилари, жуда кенг жаҳон жамоатчилиги Пленум ва сессиянинг ишларини зўр эътибор билан кузатишди.

1984 йил апрель Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ўн биринчи чақирғи СССР Олий Совети биринчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва бошқа масалаларга онд тақдирларини кўриб чиқиб маъқуллади, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко катта нутқ сўзлади.

Шундан кейин бўлиб ўтган СССР Олий Советининг сессиясида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди. КПССнинг СССР Конституциясида мустақамлаб қўйилган раҳбарлик роли билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳамда Совет жамияти ва давлатининг олий манфаатларига асосланувчи бу қарорни совет кишилари яқинлиқ билан қизгин маъқуллаб кутиб олдилар. Улар ўртоқ К. У. Черненконинг коммунизм ва тинчлик учун матонатли курашичи, зўр сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятларига,

жуда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган сингалган ленинчи раҳбар эканини билдилар. Унинг партия ва давлатда олий лавозимдаги сайланиши умумий ишга, ҳозир олдиндаги турган улуғвор вазифаларини ҳал этишга катта фойда келтиради, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини янада муваффақият-лорқ амалга ошириш имконини беради.

Коммунистлар барча меҳнаткашлар ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқини беиҳсо эър аҳамиятга молик сиёсий ҳужжат деб, партиянинг халқ бахт-саодати ва тинч турмуши ҳақидаги, Ватанимиз иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш ҳақидаги ғамхўрлигининг яққол исботи деб қабул этидилар. Пленум шу нутқидеи программавий қонда ва ҳулосаларни тўла-тўқис маъқуллади, энди бу қонда ва ҳулосалар партия, совет ва ҳўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари бутун фаолиятининг асоси бўлиб қолиши керак.

Апрель Пленумининг ҳужжатлари ва қарорлари умумхалқ ижодий ишини янада қўлф урдилади, бу ишнинг асосий йўналишларини КПСС XXVI съезди белгиллаб берган, Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ривожлантирган ва конкретлаштирган эди. Бунда гап мамлакатимизни коммунизм сари олға силжйтишнинг шундай стратегияси ҳақида бораётгани, унда ҳаракатда имиллашга ҳам, ривожланишнинг тарихан зарур поғоналаридан сакраб ўтишга ҳам мутлақо йўл қўйиб бўлмай

ди. Партиянинг олий мақсадлари йўлида биз ҳали ўзининг келиб чиқиши ва характери жиҳатидан коммунистик формациянинг биринчи фазасига тааллуқли бир талай йиринг ҳам мураккаб вазифаларини ҳал қилишимиз керак. Аслида, ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидеи катта ва қизгин ишнинг энг асосий мазмун ҳам шундан иборат.

Омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини кенг миқёсда ривожлантирмай туриб, уни ижтимоий турмушнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга жуда актив жалб қилмай туриб бу ишни бажариб бўлмайди, бу — партиянинг доимий вазифасидир. Ўртоқ К. У. Черненко оммани активлаштиришнинг социалистик демократияни, жамиятнинг бутун сиёсий системасини янада такомиллаштириш замиридаги резервларидан яхшироқ фойдаланиш зарурлигини татиқлади, «биз келгусида ҳам шу йўлдан бораверамиз» деб уқтирди.

Бу соҳада СССРнинг сиёсий асоси, социалистик қурилишнинг қудратли қуроли бўлиши советларнинг фаолиятини янада яхшилаш биринчи даражалли аҳамиятга эга бўлади. Биздаги давлат ишлари барча миқлат ва элатларга мансуб ишчилар, деҳқонлар, аъиеллар, меҳнаткашларнинг вакиллари бўлиши 2 -иллион 300 минг депутат, ўн миллионлаб активлар орқали олиб боришмоқда. Халқ депутатлари Советларининг имкониятлари мана шундай қўрсаткич билан белгиланади.

Партиянинг барча босқич Советлари ваколатларини кенгайтириш соҳасидеи аниқ мақсадли кўзал сарфлаётган доимий куч-гайратлари — айниқса СССРнинг Янги Конституциясини қабул қилинганидан кейин, уларнинг фаолиятида қонун чиқарувчилик, бошқарувчилик ва контрол қилувчиликнинг бирлигини иборат ленинчи принципнинг тўла-тўқис рўёбга чиқишга қўмақлашди. Шунга қарамай, Советларнинг жуда катта имкониятидан ҳали ҳам етарли фойдаланилмапти, жумладан, Советларнинг ҳўжалик ва маданий қурилишдаги роли сует ошмоқда. Қўпгина министрликлар ҳамон Советларни четлаб ўтишга уриниб, бутун диққат-эътиборни қурилишга ва тайёр объектларни реконструкция қилишга қаратмоқдалар, уй

жой қурилишга, социал-маиший ва маданий объектларга баъзан дуруст эътибор бермаётгилар. Советлар эса шундай шароитда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда ҳаминша ҳам лозим даражада қатъият кўрсатаётганлари йўқ. Советларнинг кўпроқ активлиги ва жанговарлигини талаб қилувчи бошқа проблемалар ҳам бор. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ривожланган социализм шароитида Советлар фаолиятининг асосий йўналишларини чуқур таҳлил этиб, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширини, ҳар қандай расмиятчилик қўрилишларини тутатиш учун партиянинг таъсирининг ҳамма методларидан фойдаланиш зарурлигини уқтирди. Қўниинг талаби мана шу. Барча партия комитетларига ва, албатта, коммунист депутатларга нисбатан мана шундай талаб қўйилади, партия ўзининг Советлардаги раҳбарлик ролин мана шу коммунист депутатлар орқали амалга оширади. Улар Советларнинг Конституцияда мустақамлаб берилган тўла ҳокимияти улар фаолиятининг мазмунидеи ҳам, услубидеи ҳам доимо ва ҳамма жойда ўз ифодасини топишига қатъият билан иштишлари лозим. Бу гап Советларнинг сессиялари ва уларнинг доимий комиссиялари ишига ҳам, қабул этиладиган қарорларга рион қилишнинг устидан амавий контролнинг ташкил қилишга ҳам тааллуқлидир.

Биз беш йилликнинг энди ойма-ой ҳисоблана бошлаган беиҳсо масъулиятли маррасига чиқиб олганлигимиз учун ҳам бу талабларнинг бажарилиши айниқса муҳимдир. Ишларнинг аҳоли ҳўжалик ишмийининг тизимлигини янада ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. «Биз ҳажмаииз, ҳар биримиз қандай бўлмасин бунашувчиликни тақдирлаб қўйсақ тўғри бўлади, — деб уқтирди К. У. Черненко, — давлат план учун жон қўйдириш, хатто, истасангиз, таъиншланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслигиз керак. Келинглар, шундай келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишхаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчилик ҳар қачонидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим. Бизнинг партиявий позициямиз бошқача бўлиши мумкин эмас».

(Давоми 4-бетда).

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АССОСИЙ ЙўНАТИШЛАРИ

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ 10 АПРЕЛДА ВА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ 12 АПРЕЛДА МАЪҚУЛЛАГАН)

Партиянинг ривожланган социализмни планли равишда, ҳар томонлама такомиллаштиришга, унинг инсонпарварлик моҳиятини тўлиқроқ намоён этишга, инсоннинг ижодий активлигини янада кучайтиришга қаратилган йўли совет мактаби олдинда катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда.

Бизнинг давримиз кишилар ҳаётининг барча соҳаларида — моддий ишлаб чиқаришда, иجتимоий муносабатларда, маънавий маданиятда чуқур ўзгаришлар билан вичирилган. Фан-техника революцияси тобора кенг аёқ олдирилмоқда. Экономиканинг итисеив ривожланиши янада ўтказиш амалга оширилмоқда. Кенг қўлдангати комплекс социал-иқтисодий программалар рўйбга чиқарилмоқда. Социалистик демократиянинг ривожлантирилишининг, совет турмуш тарзини мустақамлаштириш, янги инсонни камол топтиришнинг муҳим проблемалари ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда мактаб парталарида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улуғвор вазифаларни ҳал қиладилар. Улар Улуғ Октябрь ишини давом эттиришлари керак, мамлакатнинг тарихий тақдирини учун, жамиятнинг ҳар томонлама тараққиёт этириши учун, унинг коммунистлик қурилиш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжиб бориши учун масъулият уларнинг зиммасига тушади.

Партия, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко таъкидлагандек, «Кеңас аълодларнинг таърибисини ўзлаштирибгина қолмай, шу билан бирга уни ўз ишлари билан ҳам бойита оладиган ёшларни» тарбиялашни ўз вазифаси деб билади.

Мактабни ислох қилиш КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг программалар йўл-йўриқларига мувофиқ ўтказилмоқда ва у мактаб ишини ривожлантирган социализм жамиятининг шарт-шароитлари ва ахтиёкларига мос келадиган сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш мақсадига қўйалади. Бу — ҳар бир оиланинг, бутун совет халқининг манфаатларида дахлдор бўлган катта муҳим ишдир.

I. РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАКТАБ

1. Социалистик халқ маорифи системасининг қарор топиш ҳамда ривожланиши совет жамиятининг тарихидан, халқ қимизининг ҳақрамонона революцион ва меҳнат зафарларида акррлмасдир. Улуғ Октябрь, социализм галабаси меҳнатқилларга билимларни, маънавий маданиятининг барча бойликларини етлашга учун, талантлар ва истеъодларни намоён этиш учун гоят кенг имкониятларни оқиб берди. Жақон тарихида биринчи марта чинакам халқ мактаби ву- жудга келтирилди, бу мактаб барча граждандарнинг иқрий ва миллий мансублигидан, жинсидан, динга муносабатидан, мулйин ва иқтимоий аҳолидан қатъи назар маълумот олишда уларнинг амалдаги тенгслигини таъминламоқда. Социализм билим ва маданиятнинг, жамият манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнатнинг юксак обрў-эътиборини қарор топтирмоқда.

Совет халқ маорифи системаси сарчашмасида улуғ Ленин турган эди. Коммунист партия билан Совет давлати ягона, меҳнат, политехника мактаби ленинча гоҳларини илчил амалга оширмоқдалар.

Мамлакат тарихан жуда қисқа муддат ичнда ялли савод- сизликдан ёшларнинг умумий ўрта таълими сари қалам ташлади. Малакаи ишчи кадрларни планли равишда тайёрлашнинг асосий манбаи бўлиб қолган, чинакам маскани ҳисобланган ҳунар-техника таълими системаси яратилди. Олий ва ўрта махсус таълим кенг ривожланди. Синфлар ва социал гуруҳларнинг, миллатлар ва элатларнинг, эркаклар ва хотин-қизларнинг маълумот даражаси бир-бирига анча яқинлашди.

Совет маорифи системасининг яратилиши ва ривожлантирилиши социалистик цивилизациянинг қарор топтиришнинг, Советлар мамлакатни замонавий илм-фан, техника ва маданият қўқилари сари қилган буюк парвозининг гоят муҳим омили бўлди. Бу — социалистик ўзгаришлар жаҳон таърибиса-хазинасига қўшилган катта ҳисса, янги ҳаёт қурилиши йўлида ўтаётган давлатлар учун илмобҳам намуна, социализмнинг капитализм олдиндаги тарихий афзалликлари- нинг яққол намоёнчилиридир.

2. Ҳозирги босқичда экономика ҳамда маданиятнинг тез ва уйғун ривожлантириш, социал муносабатларини ва сиёсий усткурмани такомиллаштириш, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва олий бойлиги бўлиши инсоннинг ўзини янада камол топтириш манфаатлари ёш аълодларга таълим ва тарбия беришга янгила, яна ҳам кенг қўлдангати ёндашшни талаб қилади. Партия инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндисини соҳиб бўлибгина эмас, балки аввало — социалистик жамият гражданди, унга ҳос гоғий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қўзиқилларга, юксак меҳнат ва ҳулқ-атвор маданиятга эга бўлган коммунизмнинг актив қўрувчиси — либ тарбияланганга эришмоқда.

Ёшларни ўқитиш, уларни сиёсий, меҳнат ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш бобидаги жамини ишларни яхшилашнинг энг муҳим вазифалари умумий таълим ва ҳунар мактабини ислох қилиш заруратини тақозо этади. Мактаб ёш аълод ишлаб ишлайдиган иجتимоий шароитларни максимал даражада ҳисобга олиб, уларни воғта етказишни, ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини фан ва техника- нинг энг ялғор марраларига олиб қилиш, ишлаб чиқаришни кенг қўлдангати автоматлаштириш, меҳнат умумдорлигини тубдан оширишни, махсуслотларнинг жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида ишлаб чиқарилишини таъминлаш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси мустақил ҳаётга қадам қўятган ёш техник, ишчи, инженердан энг замонавий маълумотни, юксак интеллектуал ва жисмоний камолотни, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларини чуқур билишни, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлишни талаб этади.

Таълимнинг социал функцияси ҳам анча бойиди. Мактаб олий ўқув юртида ўқилиш давом эттириш учун зарур бўлган билимларнинг юксак даражада бўлишини таъминлаш билан бир вақтда ёшларни халқ ҳўжалигиндаги иқтимоий фойдала меҳнатга йўналтириш ва уларни мана шунга тайёрлаш керак. Меҳнат тарбиясини шахсни камол топтиришнинг гоят муҳим омили ва халқ ҳўжалигининг меҳнат ресурсларида бўлган талаб-эҳтиёжларнинг қондирш воситаси деб билиш лозим. Таълим ва тарбиянинг, касб танлашга ўргатишнинг ҳозирги формаси мақсуд талабларга ҳали мос эмас.

Ҳар бир ёш инсонни мактаб, оила, ишлаб чиқариш коллективлари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъатнинг, бутун жамоатчиликнинг ирилшган куч-гайрати билан меҳнатга онгли ахтиёжини сезиш руҳида тарбиялаш иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан биринчи даража- ли аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Ёшларни гоғий-сиёсий руҳда тарбиялашга, уларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришга, масъулиятни ҳис этиш, ушқоқчилик ва интизом руҳида тарбиялашга нисбатан талаблар ошиб бормоқда. Партия совет кишилари янги аълодларнинг гоғийлиги, маълумоти ва профессионал тайёрлигини кучайтиришда социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг ишлаб чиқаришнинг, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда омманинг тобора кенг ва самарали иштирок этишининг муҳим шарти деб билади. Халқ- аро назият гоят кенгашлашиб кетган бир шароитда соҳил- лэмга қарш кутуриб ҳўжумлар қилаётган ва ёшларнинг сиёсий жиҳатдан ғўрғиғига умид боғлаётган империализм агрессив кучларининг кирдикорларига нисбатан ҳўшёрлик- ни ошириш керак.

Мактабни ислох қилиш унинг фаолиятини тўпланиб қолган бир қанча салбий ҳолатларни, иждидий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадини ҳам қўйалади. Маориф структурасини такомиллаштириш, умумий таълим, меҳнат ва профессионал тайёрларлик сифатини анча ошириш, таълимнинг актив формалари ва методларини, техника воситаларини яна ҳам кенгроқ қўлданги, таълим ва тарбия бери- лиги, оила, мактаб ва жамоатчилик мустаҳкам алоқаси принципини сойбатқамдам билан амалга ошириш лозим.

Таълим-тарбия ишининг мазмун ва методларида, мактаб ҳаётида, ўқувчиларнинг билимларига баҳо беришда ҳар қандай расмийлаштирилган қўриқиларнинг қатъий равишда, тағ- томири билан тугатиш, процент нетидан қувиш ҳолларига барҳам бериш зарур.

3. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислох қилиш қуй- йдаги асосий вазифаларни ҳал этишини:

- таълим ва тарбия сифатини оширишни, ҳар бир пред- метни ўқитишнинг юксакроқ илмий даражасини, фанларнинг асосларини мустаҳкам эғаллаб олишни, гоғий-сиёсий, меҳ- нат ва маънавий тарбияни, эстетик ва жисмоний камолот яхшилалишини таъминлашни; ўқув пландари ва программа- ларини, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, таълим ва тар- бия методларини такомиллаштиришни; ўқувчиларнинг ортқ- ча эвриктирилишга, ўқув материалнинг ҳаддан ташқари мураккаблаштирилишга барҳам беришни;

- умумий таълим мактабиди меҳнат тарбиясининг, таъ- лим ва касб танлашнинг ўргатишнинг ташкил этилишини туб- дан яхшилашни, ўқитишнинг политехника, амалий йўнали- шини кучайтиришни; ҳунар-техника таълими системасида малакаи ишчи кадрлар тайёрлашни анча кенгайтиришни; ёшларни умумий ҳунар таълимига ўтказишни амалга оши- ришни;

- ўқитиш сифати учун ўқувчиларнинг масъулиятини, ўқув ва меҳнат интизомини риоя этишни кучайтиришни, ўқувчи- лар коллективларида ўз-ўзини бошқариш ривожлантириш асосида уларнинг иқтимоий активлигини оширишни;

- ўқитишнинг ва ишлаб чиқариш таълими мастерининг иқтимоий обрўини, уларнинг назарий ва амалий тайёрлар- ларини оширишни, халқ маорифи системасининг педагог кадр- ларга бўлган ахтиёжини тўла қондирлиш; педагог ҳодимлар- нинг иш ҳақини оширишни ва уларнинг моддий-маиший ша- роитларини яхшилашнинг;

- ўқув юр்தарининг, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳ- камлашни;

- умумий таълим ва ҳунар мактаби структураси ҳамда халқ маорифини бошқаришни такомиллаштиришни бил- дириди.

II. УМУМИЙ ЎРТА ВА ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ СТРУКТУРАСИ

4. Умумий ўрта ва ҳунар таълимининг қуйидаги струк- тураси белгилансин:

Бошланғич мактаб	— I—IV синфлар;
Тўлиқсиз ўрта мактаб	— I—IX синфлар;
Ўрта умумтаълим	— умумтаълим мактабларининг X—XI синфлари;
ва ҳунар мактаби	— ўрта ҳунар-техника билим юр்தари;
	— ўрта махсус ўқув юр்தари.

Ўрта умумий таълим мактаби ўн бир йиллик бўлади. Болаларни мактабда ўқитиш бир йил аввал — 6 ёшдан бошланади. Мактабгача тарбия системаси ривожланиб, эндиликда мутлақ кўпчиликл болаларни қамраб олганлиги, болалар боғчаларида ва мактабларда болаларга таълим бериш таърибис бунинг учун замин тайёрлади. Болаларни мактабда 6 ёшдан ўқитишга ўттишни аста-секин 1986 йилдан бошлаб бир неча йил мобайнида, қўшмача ўқувчи ўғиллар вуҷудга келтирилишига, ўқитишчи кадрлар таъйинилишига қараб, ота-оналарнинг истагини, болаларнинг камол топиш даражасини, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб амалга оширилиши, дастлабги босқичда болаларнинг муайян қисми мактабга 7 ёшда ҳам кирадиган бўлади, олти ёшли болалар эса мактабда ҳам, болалар боғчаларининг юқори гуруҳларида ҳам ягона программа асосида ўқитилади.

Бошланғич мактабда (I—IV синфлар) ўқитиш даври бир йил узайтирилади, бу эса болаларга ўқитиш, ёнашни ва ҳисоб- ланиш, энг оддий меҳнат қўнимчаларини янада асосли ра- шадга ўргатишни, айни вақтда ўқувчиларнинг эвриктилиши кенгайтирилиши ва келгусида фан асосларини ўзлаштиришни осонлаштиришни таъминлаш имконини беради.

Тўлиқсиз ўрта мактаб (V—IX синфлар) ҳозиргидек фан асосларини беш йил мобайнида ўргатишни қўзда тутиди. Тўқ- қизчики синфни тугатган мактаб ўқувчилари ўн беш ёшда тўлиқсиз ўрта маълумот олади. Ёсимларга умумий меҳнат таълиминин бериш вазифаси асосан ҳал этилмоқда. Касб тан- лашига ўргатиш тадбирлари билан бирга уларнинг бўлгуси касбини танлашнинг осонлаштирувчи шароитлар яратилмоқда. Тўққиз йиллик мактаб турли қаналар орқали умумий ўрта ва ҳунар таълимини олиш учун база бўлади.

Ўрта умумий ва ҳунар мактабини умумий таълим мактаби- нинг X—XI синфларини, ҳунар-техника билим юр்தарини, ўрта махсус ўқув юр்தарини ўз ичига олади. У ёшларга умумий ўрта таълим берилишини, меҳнат ва ҳунар ўргати- лилиш таъминлайди.

5. Тўққизчики синфларни битириб чиқувчиларга шундан кейин таълим бериш потекларининг ўзаро нисбати халқ ҳўжалигининг ахтиёкларига мувофиқ равишда, ўқувчилар- нинг хоҳиши ва қўбилиятига, ота-оналарнинг истаги ҳамда мактаблар педагогика советларининг тавсияномаларига би- ноан ҳосил бўлади. Ўрта ҳунар-техника билим юр- тларига кирадиган тўққизчики синфни битирувчиларнинг соини ва салмоғи келгусида тахминан икки баравар қўйлади. Бунда айрим регионларнинг, шаҳар ва қишлоқнинг ҳусусиятлари эътиборга олиниши керак.

VIII—XI синфларнинг ўқувчиларга ўзлари танлаб олган физика-математика, химия-биология ва иқтимоий-гуманитар қилларнинг айрим предметларини факультатив машғулот- лар ердамида чуқурроқ ўрганиш имконияти берилади. X—XI синфлардаги меҳнат таълими моддий ишлаб чиқариш ва но- ишлаб чиқариш соҳаси учун талаб қилинадиган оммавий касбларни эғаллаш билан бирга қўйиб олиб борилади.

Ўрта умумий таълим мактабини битириб чиқувчилар яна- да юқори малака олиш ёки мураккаб касбини ўрганиш учун ўрта ҳунар-техника билим юр்தарининг бир йиллик бўлим- ларига, икки-уч йиллик муддат билан таълим беридаган ўрта махсус ўқув юр்தарига ва олий ўқув юр்தарига кирдиладир. Уларнинг бир қисми ўн бир йиллик ўрта мактабда олинган меҳнат тайёрларлигига мувофиқ халқ ҳўжалигинга бориб иш- лайди. Ёшларнинг ота-оналар жамоатчилигининг, меҳнат кол- лективларининг истақларини эътиборга олиб, бир қанча касб- лар бўйича ёш чегараларини қисқартириш тўғрисидаги ма- сала ҳал қилинсин.

Шундай қилиб, бир-икки беш йиллик мобайнида йшларга умумий ўрта таълим бериш уларга умумий ҳунар таълими бериш билан тўлдирилади. Барча йигит ва қизларга меҳнат фаолияти бошланғичча касб ўрганиш имконияти берилади. Бу нарса келгусида умумий таълим ва ҳунар мактабининг бир-бирига яқинлашуви ва бирлашувига олиб боради, бу эса Лениннинг ягона, меҳнат, политехника мактаби тўғриси- даги гоғларини янада ривожлантириш ва рўёбга чиқариш бўлади.

6. Ҳозирги пайтда манвуд бўлган ҳунар-техника ўқув юр- тларининг ҳар ҳил типлари қайта ташкил этилиб, касблар бўй- ичга тегишли бўлимларга эга бўлган, ўқинга кирувчилар- нинг маълумот даражасига қараб таълим бериш форма ва муддатлари белгиланб қўйилдиган ягона типдаги ўқув юр- тга — «ўрта ҳунар-техника билим юр்தа» айлантирилади. Тўққизчики синфларни битириб чиқувчилар ўрта ҳунар-тех- ника билим юр்தаридида қанда тарихида 3 йил ўқиб, ҳунар ўрганадилар ва умумий ўрта таълимин тугаллайдилар. Ўн бир йиллик мактабини битириб чиқувчилар янада юқори ма- лака ортириш ёки мураккаб касбини эғаллаш учун бир йил- лик таълим муддати билан ўрта ҳунар-техника билим юр- тларининг тегишли бўлимларига кирдиладир.

Ўрта ҳунар-техника билим юр்தари халқ ҳўжалигининг тегишли тармоқлари учун малакаи ишчилар тайёрлашга иқтисослаштирилади ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, кор- хоналар, қурилишлар ва ташкилотлар базасида, қишлоқ жойларда эса район агропосат бирлашмалари, совхозлар, колхозлар, ҳўжалиқлараро корхоналар базасида ташкил эти- лади. Базавий корхоналар билан ҳунар-техника билим юр- тларининг ўзаро муносабатлари СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган Низом билан тартибга солинади.

7. Ёшларга таълим беришда ўрта махсус ўқув юр்தари (техникумлар, педагогика, медицина билим юр்தари ва бошқалар) муҳим роль ўйнайди. Улар ишлаб чиқариш, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, хизмат қўрсатиш соҳаси бошланғич бўғинларининг малакаи мутаҳассислари ва таш- килотчиларини тайёрлайдилар, халқ ҳўжалиги мутаҳассисла- рининг энг қўп соғли отряди сафларини тўлдирядилар, ва айни вақтда умумий ўрта таълим вазифаларини ҳал этишда қатнашадилар. Халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган ўрта мах- сус маълумотли мутаҳассислар тайёрлаш сифатини бундан буюн ҳам ошириш зарур.

Кейинги вақтларда тугат ўрта маълумотли ёшларга тех- никумларда таълим бериш кенгайтирилди. Тўлиқсиз ўрта мактаб ҳам мана шу ўқув юр்தарига ўқувчилар тайёрлаш манбаи сифатида сақлаб қолди мақсадга мувофиқдир. Ўрта махсус ўқув юр்தарини битириб чиққан кишилар орасидан қисқартирилган таълим муддатларида олий маълумотли му- тахассислар тайёрлаш таърибисини ривожлантириш керак.

8. Ўрта маълумотга эга бўлмаган ишлаб турган ёшлар учун кечки (смена)лар ва сиртки мактаблар қанқилиб қола- ди, бундай мактабларда улар ишлаб чиқаришдан акррлмаган ҳолда ўрта маълумот оладилар. Бундай мактаблар фаолият- нинг ташкил этилиши ва мазмундаги иждидий нуқсонлар- ни тугатиш, ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, ўқувчи- лар контингентини планлаштиришнинг тартибга солиш зарур.

9. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишини яхшилаш, уни битириб чиқувчилар учун олий ўқув юр்தарига кириш- нинг тенг шароитларини яратиш олий маълумотли мутаҳас-

сислар тайёрлашни янада такомиллаштириш учун янги имкониятлар очади. Олий ўқув юр்தари контингентларини шакллантиришнинг социал базаси кенгайтирилади, ёшлар- нинг олий маълумот олишга янада масъулият билан ва онг- зиз муносабатда бўлиш ошади. Олий ўқув юр்தарига қабул қилинишнинг янги қондаларини ишлаб чиқиш, унда олий ўқув юр்தарига абитурентларни конкурс асосида қабул қилиш чоғида аттестатдаги ўртача баллини ҳисобга олиш тўғрисидаги қондан бекор қилиш назарда тутилади.

III. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЕНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ

10. Ёш аълодга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, шу билимларни практикада қўлданги қўнимча- лари ва маҳоратини ҳосил қилиш, материаллини дунёқа- рашни шакллантириш совет мактабининг энг муҳим, ўзгар- мас вазифасидир. Ўқув пландарини, программаларини, дарс- ликларини, ўқув-қўғазмал қўлланмаларини социал-иқтисодий ва фан-техника тараққиёти талабларига, ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятларига мувофиқ ҳолга келтириш лозим.

Таълимнинг мазмунини такомиллаштириш учун:

- ўрганиладиган предметлар рўйхатини ва уларнинг мате- риали ҳажмини анқиллаш, ўқув программалари ва дарслик- ларнинг эвриктирилиш тугатиб, уларни ортқича мураккаб- лаштирилган, иқкинчи даражаги материалдан ҳалос қилиш;

- ўқув фанларининг асосий тушунчаларини ва энг муҳим гоғларини жуда равшан баён этиш, уларда фан ва практи- канинг янги тўққилари зарур тарзда асқ этишини таъминлаш; умумий таълим мактабиди меҳнат тарбияси ва касб танлашга ўргатишни йўлга қўйишни тубдан яхшилаш, таълим мазмунининг политехник йўналишини кучайтириш; амалий лаборатория машғулотларига, физика, химия, био- логия ва бошқа фанларнинг қонилари технологияда қандай қўлланлишини қўрсатишга қўпроқ эътибор бериш ва шу тари- қада ёшларга меҳнат таълими бериш ва касб танлашга ўрга- тиш учун асос яратиш;

- ўқувчиларни замонавий ҳисоблаш техникаси тўғрисида- ги билимлар ва шу техникадан фойдаланиш қўнимчалари билан қўроллантириш, таълим жараёнида компьютерлар кенг қўлланлишини таъминлаш, бунинг учун махсус мактаб ва мактаблараро кабинетлар ташкил этиш;

- ҳар бир предмет ва синф бўйича ўқувчилар эғаллаш мажбурий бўлган маҳорат ва қўнимчаларнинг энг мақбул ҳажминини белгиланб қўйиш зарур.

Мактабларда, ҳунар-техника билим юр்தариди, ўрта мах- сус ўқув юр்தаридида таълим ва тарбиянинг қатъий давомий- лиги, умумий таълим тайёрларлигининг ягона даражаси таъ- минлансин, бунда миллий ўқув юр்தарининг ҳусусиятлари эътиборга олиниши. Ота-или билан бирга совет кишилари миллиятлараро алоқа воситаси деб иштиёрий қабул этган рус тилини ўрганиш учун шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан қўшмача чоралар қўйилсин. Рус тилини эрзин билиш ўрта ўқув юр்தарини тамомлаётган ёшлар учун норма бўлиб қо- лиши керак.

Партия итлари сўрган асосий вазифалардан бири— шахс- ни ҳар томонлама ва гармоник камол топтириш вазифасини янада самаралроқ амалга ошириш мақсадига ўқув юр்தари- да тарбиявий ишларга комплекс ёндаиш юзасидан тав- сияномалар ишлаб чиқилиш, бунда коммунист тарбиянинг барча йўналишлари — гоғий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эс- тетик, жисмоний тарбия бўйича куч-гайратни мувофиқлашти- риш назарда тутилин.

11. Ўрта ҳунар-техника билим юр்தаридида умумий таълим тайёрларлигига алоҳида эътибор берилсин. Ўқувчилар фан асосларини, техника, агрономия, экономика предметларини, айниқса, янги техника ва технологияни, автомат манипуля- торлар (саноат роботларини) ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа махсус предметларни пухта эғаллаб олишини таъминлаш зарур.

Ишчи кадрларнинг тайёрларлик сифатини ошириш учун ҳунар-техника таълими системасининг катта имкониятлари- дан тўлароқ фойдаланилинсин. Министрликлар ва база корхо- налар билан биргаликда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва ишлаб чиқариш практикисининг янги программа- ларни ишлаб чиқилиш, бунда муайян касб ва малакадаги ишчиларни тайёрлашга нисбатан қўйилдиган ягона талаб- ларга асосланиб иш тутилиш. Ишлаб чиқариш практикиси энг яхши бригадалар ва зенелар составида, мураббийлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва меҳнат ветеранлари раҳбар- лиги остида ўтказилсин.

12. Таълим формалари, методлари ва воситалари тако- миллаштирилсин, ўқув жараёнининг асосий формаси бўли- ши дарс билан бир қаторда мактабларнинг юқори синф- ларида, ҳунар-техника билим юр்தаридида ва ўрта махсус ўқув юр்தаридида лекциялар, семинар машғулотлари, суҳбат- лар, практикумлар, консультациялар ўтказиш кенг одат тусига киритилсин. Ўқитувчилар ва ота-оналар ўқувчиларни китоб ва бошқа билим манбалари билан ишлагаш ақтивроқ жалоб этишлари, мустақил фикрлаш қўнимқасини ҳосил қи- лишда уларга ёрдам беришлари керак.

Синфлардаги ўқувчиларнинг энг қўп миқдорини қамай- тириш, уни аста-секин I-IX синфларда 30 кишига, X-XI синф- ларда 25 кишига келтириш вазифаси қўйилади.

Ҳамама кўрсалар бўйича амалдаги дарсликлар ва ўқув қў- лланмалари такомиллаштирилсин ҳамда янгилавлари яратилин. Баён этилишнинг юксак гоғийлиги ва илмийлиги, тушунар- лиги ва қисқалиги, аниқлиги, равшанлиги ва қизқарлиги, методик аппаратнинг мукаммаллиги — ҳар бир дарсликка нисбатан қўйилдиган зарур талаблардир. Бу дарсликларни ёзишга энг яхши ўқитувчилар, таърибвали методистлар, та- нқиди олимлар жалоб этилинсин, авторларнинг меҳнатини қўш- мача рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилисин. СССР халқларининг тилларида дарсликлар нашр қилиш учун по- лиграфия қуваватлари қучайтирилсин ва юқори сифатли ма- териаллар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Фанларнинг асосла- ри ва факультатив курсларда доир ўқув маълумот харак- теридидаги ва илмий-оммабоп адабиётга бўлган ахтиёк тўла- тўнсе қондирлинсин.

13. Ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашини шаклланти- риш уларни коммунист руҳда тарбиялашнинг мустаҳкам неғизидир. Ҳам жамиятшунослик, ҳам табиий-илмий фан- ларни ўқитиш ўқувчиларга мустаҳкам материаллистик тасав- вурларни, атеистик қарашларни, табиат ва жамият ҳудосида- ларни тўғри изоҳлаш қўбилиятини ҳосил қилиши, бизнинг дунёқарашини принципларига мувофиқ иш олиб бориш лозим.

Иқтимоий-гуманитар цикл предметларини жозибадор, ту- шунарли тарзда ўқитиш дунёни революцион янгилаш йўлла- рини, социализмнинг асосий принциплари ва тарихий аф- залликлари, капитализмнинг қалқ манфаатларига эгиз бўл- ган реакция моҳиятини очиб бериш, ҳозирги иқтимоий турмушнинг ёшларни қизқиртаётган саволларига сиёсий позициялардан ишонарли жавоблар бериш, коммунизм гоғ- ларининг муқаррар галабасини қўрсатиш зарур. Тарих, жамиятшунослик, адабиёт ва бошқа предметларнинг дарсла- рида ўз коммунист эътиқодларини қаттиқ туриб ҳимоя қи- лиш маҳоратини меҳнатчилик, техникхўрлик, истеъмолчи- ликча мурасасизлики изчиллик билан тарбияламоқ керак. Машғулотларнинг актив формалари кенг одат тусига кир- итилинсин, уларга зўр амалий йўналиш бахш этилинсин, қиёрат- ҳонлик ва схематизм тарғ-уби билан тугатилсин. Жамиятшу- нослиқни ўрганишда ақилоланиш ўқув вақтини қўлайитириш зарур, деб ҳисоблансин. Ўрта ўқув юр்தарининг ҳамма тип- лари учун ягона жамиятшунослик дарслиги яратилин.

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВАҲУНАР МАКТАБЛАРИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШНИНГ АССОСИЙ ЎЎНАЛИШЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Бошланғич мактаб (I—IV синфлар) ўқувчилари турмушда зарур бўлган турли материаллардан қўлда бирор нарса ясаш, қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштириш, кўргазмалар, ўқув қўлланмаларини ремонт қилиш, ўқинишлар таъбирлаш, мактаб, болалар ботчаси, уй учун керакли турли фойдалар, предметлар ва шу сингариларни ясаанинг энг олдий усулларини ўрганадилар. Шу босқиннинг ўзидек болалар тушуна оладиган баъзи касблар билан танишиш бошланади.

Тўлиқсиз ўрта мактабда (V—IX синфлар) ўқувчилар анча муассасаларқ умуммехнат таъйргарлигини ҳосил қиладилар, металл, ёғоч билан ишлаш маҳорати ва амалий кўникмаларини ҳосил қиладилар, электротехника, металлшўнослик, графика саводи асослари билан танишадилар, халқ ҳўжалигининг энг асосий тармоқлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Улар корхоналарнинг буюртмаларига бйноан, шунингдек, мактаблар учун ўнчалик мураккаб бўлмаган нарсаларни тайёрлайдилар. Табиати муҳофаза этиш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. VIII синфдан бошлаб ўқувчилар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини составида, мактаблараро ўқув ишлаб-чиқариш комбинатларида, корхоналар ва ҳўнар-техника билим юртиларидаги ўқув цехлари ва участкаларида ҳўнар ўрганадилар ва ишлайдилар.

Ўрта умумий таълим мактабиди (X—XI синфлар) ана шу базда, шунингдек, бевосита ишлаб чиқаришдаги иш жойларида мазукур регионнинг эҳтиёжларини эътиборга олиб, энг оммавий касблар бўйича меҳнат таълими ташкил этилади. Зарур шартларни мавжуд бўлган тақдирда, маълум касбни эгаллаш ҳамда олинган малака бўйича белгиланган тартибда имтиҳон топириш билан нйҳосига етказилад.

СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳўнар-техника таълими давлат комитети умумий таълим мактабларида ўқувчиларга ўргатиладиган касблар рўйхатини белгила берсинлар. Халқ депутатлар шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари мазукур рўйхатдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, халқ ҳўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини, ўқув-техника базаси мавжудлигини, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг, йннгит ва қизлар меҳнатининг ҳўсусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мактаб ўқувчиларини меҳнатга тайёрлаш профилларини белгилайдилар.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзига хизмат қилишини кенгайтириш зарур. Ҳамма ўқувчилар ўз йннга қараб, гигиена ва соғлиқни муҳофаз қилиш нормалари ҳамда талаблари рйоя этиб, синф хоналари ва кабинетларни сулуриш-сидиришда қатнашишлари, мактаб ҳўвилларининг, спорт майдончалари ва шу кабиларнинг озодлигини ҳамда ободончилигига қараб турнишлари керак. Ота-оналар оилаларда яшаш хоналарини тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечани ямаш, рўзғор асбобларини ва уй ҳўжалиги предметларини ремонт қилиш соҳасида болалар меҳнатини ташкил этадилар.

22. Ўқувчиларни касб танлашга ўргатиш иши такомиллаштирилсин. Ёшларни касб танлашга ўргатиш идораларро кенгашилари, шаҳар ва район коммиссияларининг фаолияти кучайтирилсин. Касб танлашга ўргатишни мувофиқлаштириш иши СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитети зиммасига юклатилсин.

Тажриба тариқасида бир қанча шаҳар ва қишлоқ районларида мактаблар, ўқувчилар ва ота-оналар билан иш олиб боришни ташкил қилиш бўйича касб танлашга ўргатиш марказлари вужудга келтирилсин. Улар ўз фаолиятида мактаблараро ўқув ишлаб—чиқариш комбинатлари, мактаблардаги, билим юртиларидаги ва корхоналардаги касб танлашга ўргатиш кабинетларига таянишлари, ўқувчиларни замонавий касблар билан таништиришлари, халқ ҳўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақида ахборот беришлари, ўқувчиларнинг психологик-филологик ҳўсусиятларини, уларнинг муайян турли фаолиятга қўйилган ва қизиқлиларини аниқлашлари ва шу асосда тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқишлари керак.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, таълими ва уларни касб танлашга ўргатиш системаси уларни тўлиқсиз ўрта мактабни тугатадиган пайтгача пухта ўйлаб касб танлашга ва ўқишнинг давом эттириш учун тегишли ўқув юртини танлаб олишга тайёрлаш лозим.

23. Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва тарбиялашни ташкил этишда актив қатнашиш—ишлаб чиқариш коллективларининг жуда муҳим вазифасидир. Хар бир мактабнинг база корхонаси бўлиши керак. База корхоналари уларларнинг структур баълималари ҳўқуқларига эга бўлган мактаб ва мактаблараро устакхоналари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини, ўқув цехлари ва участкаларини, ўқувчилар учун алоҳида иш жойларини, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари учун доимий дала ишйонларини, меҳнат ва дам олиш лагерларини вужудга келтиришлари қонун тартибиди белгилаб қўйилсин. Улар мактаб ҳўзуридаги ўқув-тажриба участкалари учун асбоб-ускуна, техника, материаллар, комплектлаш буюмлари, ер ажратиб берадилар, мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш фаолиятини планлаштирадилар ва ташкил этадилар, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлайдилар. База корхоналари ўқувчиларга таълим бериш ҳамда уларнинг ўнумли меҳнатини ташкил қилиш, улар билан тарбиявий иш ўтказиш, техника инжодкорлигини, қишлоқ ҳўжалик тажрибакорлигини ривожлантириш ва касб танлашга ўргатиш учун мастерлар сифатида мутахассислар, ишчилар, колхозчиларни юборадилар. Партия, меҳнат ветеранларини, ишлаб чиқариш илгорларини, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, ўқувчиларни меҳнат коллективларининг ижтимоий-ишлаб чиқариш ҳаётига актив жалб этиш зарур. Социалистик мусобақа кўрсаткичи чинарашда ўқувчиларни тарбиялаш ва меҳнатга тайёрлашда корхоналарнинг ўз оталигиди мактаблар ва бошқа ўқув юртиларига ёрдам беришдаги иштироки ҳисобга олинсин.

24. Меҳнат таълими билан ўзвий равишда боғланган ҳолда ўқувчиларнинг ижтисодий тарбияси таъминланади. Улар ишлаб чиқариш муносабатларига амалий равишда қўшилишлари, социалистик мулк, план, меҳнат ва ишлаб чиқариш нитизоми, иш ҳақи тўғрисида ҳаётини тасаввур олишлари, меҳнат билан топишган хар бир сўмини қадрлашни ўрганишлари мумкин. Ўқувчилар ишлаб тошган маблағининг бир қисми мактаб коллективининг ихтиёрига берилсин. Мактаб тежамкор ҳўжалик ҳодими бўлиш, жамоат бойлигига ва она табиятга, дарсликларга, мактаб мулкига, электр энергияга, шахсий буюмларга, озиқ-овқат маҳсулотларига, айнақс, нонга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни эътизоллаш фазилатларини тарбиялашни керак. Ўқувчилар ижтисодий тежал, меҳнат ўнумдорлиги, маҳсулотнинг таннархи, сифати, ҳўжалик ҳисоби ва бошқа шу каби тушунчалар билан амалда таништирилсин.

V. БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖАМОАТ ЎЎЛИ БИЛАН ВА ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ

25. Коммунистик партия билан Совет давлати болалар ва ўсмирларни мактабгача тарбия муассасаларида, мактабда қўшилдан ташқари вақтда, мактабдан ташқари муассасаларда ва истиқомат жойларида жамоат ўйли билан тарбиялашни ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдир. Болаларни тарбиялашда оилага ҳар томонлама ёрдам бермоқдирлар.

Мактабгача тарбия ёшлардан болаларни тарбиялаш ва ўқишни ташкил этишни яхшилаш зарур. Ёшлик чоғдан улар Ватанга мухаббат, катталарга ҳўрмат, ўртоқлик ва коллективчилик, юриш-туриш маданияти руҳида, ғўзаллиқни ҳис этадиган қилиб тарбиялансин, хар бир болада бўлишга қизиқиш ва қўйилит, мустикалик, ушқоқлик ва нитизом ривожлантирилсин. Болалар ботчасида болаларга тарбия ва таълим беришнинг типовой программаси ишлаб чиқилиб, юрти эитилсин, бунда ёш физиологияси ва психология ҳўсусиятлари, миллий маданиятлар ва анъаналар эътиборга олинсин.

26. Қуни узайтирилган мактаблар ва гуруппалар ўқувчиларни жамоат ўйли билан тарбиялашни ўзини оқлаган ва истиқболли формасидир. Бундай мактаб ва гуруппалар ўқувчиларнинг меҳнатини ташкил этиш ва бўш вақтини қўнғили ўқазини учун қўлай шартот яратди, оилага ёрдам беради. Шу билан бирга мактабда дарсдан кейинги тарбия жиддий қайта қўришга мўҳтождир. Уй вазифаларини ба-

жаришда ўқувчиларга педагогик ёрдам бериш билан бирга мана шундай мактаблар ишининг мазмунини қизиқарли машғулотлар билан тўлдирини, болаларга оила шароитига яқин бўлган меҳрибонлик муносабати муҳитини яратиш мумкин. Моддий шарт-шартотлар вужудга келтирилишига қараб, аҳолининг мана шундай мактабларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўлиқ қондирини учун уларнинг тармоғини ривожлантириш зарур. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва област Советларининг ижроия комитетларига кичик комплекти мактабларда қуни узайтирилган гуруппалар тузиш ҳўқуқини берилсин.

27. Мактабдан ташқари муассасалар — пионер саройлари, уйлари, ёш техниклар ва табиатушнослар, туристлар станциялари, спорт, музика, бадий ва хореография мактаблари, болалар кутубхоналари, пионер лагерларини янада ривожлантириш келгусида хар бир районда фаолиятини турли-туман йўналишлари билан болаларни машғул қилувчи мактабдан ташқари муассасалар комплексини вужудга келтиришга олиб бориши керак.

Истиқомат жойларида ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар тўбдан ахшлансин. Барча ўқувчиларни ўқишдан ташқари вақтда тарбиявий ишнинг хилма-хил оммавий ва лқа формаларига жалб этиш мумкин. Уларнинг ҳаваскорлиги, тимурчилар ҳаракати ривожлантирилсин, қизиқлишларга қараб клублар, техникавий ва бадий инжодкорлик тўғараклари, спорт секциялари барпо этилсин. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уй-йўли массивларида болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун бинолар ажратиш ва ускуналаш имкониятларини қидириб топсинлар. Янги уй-йўли кватраларининг лойиҳаларида мана шундай бинолар қўзда тутилсин.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мактаб микроайондаги ўқувчилар билан актив тарбиявий иш олиб борадиган марказ бўлиб қолсин. Бу ишга ота-оналар, жамоатчилик, меҳнат, аввало, ишлаб чиқариш коллективлари жалб этилсин, ёш ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, студентлар орасидан комсомол педагогик отрядлар тўзилсин.

Қуни узайтирилган мактаблар ва гуруппалардаги, мактабдан ташқари муассасалардаги ва истиқомат жойларидаги бутун ўқишдан ташқари тарбиявий ишни ташкил этиш халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, халқ маорифи бўлимлари зиммасига юклатилсин. Бу ишда шаҳар ва район комсомол комитетлари, касба соқоз комитетлари, қўнғилил жамиятлар янада актив роль ўйнашлари лозим.

28. Совет давлати соғлиғи жиҳатидан оддий шартотларда қўйи олмайдиган болалар ва ўсмирлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Улар учун мактаб-интернатлар, санаторий-ўрмон мактаблари ва бошқа махсус таълим тарбия муассасалари тармоғи ташкил этилган ва ривожлантирилган. Бу жойларда таълим ва тарбия малакали даволлаш билан қўшиб олиб борилади. Мазукур муассасаларда болалар батамом давлат ҳисобидан бўлилади. Халқ маорифи системасининг шу бўғини ишнинг бундан буюн ҳам такомиллаштириш, болаларни хар томонлама эътибор ва меҳрибонлик билан қўриша олиш, уларни мустақил турмушга ва меҳнатга ахшироқ тайёрлаш керак.

Болалар уйларидаги ва оддий тилдаги мактаб-интернатлардаги моддий-маиший шартотлар яхшиланиши ҳам зарур.

29. Оилага ёрдамни кўчатириш ва айни вақтда ёш авлодни тарбиялаш учун унинг масъулиятини ошириш лозим. Болаларни тарбиялаш—СССР граждандарининг Конституцияга ёзиб қўйилган бурчидир. Ота-оналар мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътиборини хар томонлама қўтаришлари, болаларни меҳнатни севиш ва ҳўрмат қилиш руҳида тарбиялашлари, уларни ижтимоий фойдала фаолиятга тайёрлашлари, тартибга, нитизомга, жамиятимиз турмушининг нормаларига рйоя этишга ўргатишлари, уларнинг жисмоний камол топиши ва соғлигини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг ўз вақтида умумий ўрта ва ҳўнар таълими олиши учун зарур шартотларни яратиб беришлари, ўларларнинг меҳнатга ва ижтимоий вазифаларга муносабати билан ҳамма ишда болаларга намуна кўрстишлари лозим. Болалар эса, ўз навбатида ота-оналари ва катта ёшдаги ишчилар ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Тарбиянинг самардорлигини ошириш қўн жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат коллективларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларига ва ўқувчиларга насбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ. Касба соқоз комитетларининг болалар ва ўсмирлар тарбияси ҳисобга олишга ва мактабга қўмақлашувчи коммиссиялари (кенсашлари) фаолиятини активлаштириш, умумий таълим мактаблари, ҳўнар-техника билим юртиларига бошқа таълим тарбия муассасалари ҳўзуридаги ота-оналар комитетлари, иш иш ташкилчиларини ошириш, тўғаракларнинг машғулотларини ўтказишга ота-оналарни кенгроқ жалб қилиш зарур.

Меҳнат коллективлари болалар тарбиясини доимо диққат марказида тутишлари, бу ишда ота-оналарга ёрдам беришлари ва оилавий тарбиядаги нуқсонлар ва камчиликлар учун улардан қаттиқ жавоб талаб қилишлари лозим. Болаларнинг тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш таъбирлари ишлаб чиқилсин.

Оилавий тарбияни яхшилашда ота-оналарнинг педагогик умумий таълими системасини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди. Педагогика билимларини оммалаштиришда матбуот, телевидение ва радиодан, оғзаки пропагандадан, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

VI. СОВЕТ ЖАМИЯТИДА ЎҚИТУВЧИ

30. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчига, унинг ғўйий эътиқоди-га, касб маҳоратида, истеъдоди ва маданиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Халқ ўқитувчиси — ёш шахсининг маънавий дунёсини меъморидир, жамиятнинг ишочли кишисидир, жамият ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлиши болаларини, ўз умидларини, ўз келажакини ишониб топиради. Бу роат олинолоб мана жуда қийин касб, ўз умрини шу касбга бағишлаган кишидан доимий инжодкорликни, тар-муҳаббатини, ишга астойдил садоқатини талаб қилади. Ўқитувчи ўзининг энг авлодни тарбиялаш соҳасидаги фидокорона, маърифатпарварлик меҳнати билан ҳалқнинг чўқур миннатдорчилиги ва ҳўрматини қозонади. Совет ўқитувчиларининг қўн миллионли отряди мамлакатимизнинг ифтихори, ёшларни тарбиялашда партиянинг ишочли таянчидир.

Партия жамият турмушдаги ўқитувчининг ролини, унинг обрў ва эътиборини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқда. «Халқ ўқитувчиси бизда шундай бир юксак даражага қўйилмоғи лозимки, — деб ёзган эди В. И. Ленин. — У буржюа жамиятида ҳеч қачон бундай юксак даражага қўйирилмаган, кўтарилмаган ва кўтарилиш ҳам мумкин эмас. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам, уни ҳақиқий юксак ўнвомага лойиқ бўлишга хар тарафлама тайёрлаш борасида ҳам муҳимини, муҳимини ва энг муҳимини унинг моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам мунтазам, оғишмай, эър бериш иш олиб бориш йўли билан ҳўқориди айтилган ҳолга эришмоғимиз лозим».

Мамлакат тараққиётининг ҳўзирги босқини совет ўқитувчилари олдида янги вазифалар қўймоқда. Партиянинг ривожланган социалистик жамиятини такомиллаштириш соҳасидаги программавий йўл-йўриқларини рўббга чиқаришга қўриб бўлган ёш авлодларни вояга етказиш керак.

31. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни анча яхшилаш — халқ маорифи системасини ислох қилишнинг акраламас қисмидир. Бўжаклаш—ўқитувчиларга, тарбиячиларга энг замонавий билимларни ўргатиш ва уларни амалий жиҳатдан яхши тайёрлаш лозим. Шу мақсадда педагогика олий ўқув юртилари ва билим юртиларининг ўқув планлари ҳамда программалари қайта ишлансин, улар турмуш талаблари билан маҳкам боғлансин. Студентларнинг ҳўзирги замон ишлаб чиқариши ва мактаб ўқувчиларига касб ўргатиш методлари курсларини

алоҳида эътибор қаратиляпти. Бутун оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларини план топириқларининг бажарилишини идеология жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Ҳўзирги пайтда барча корхоналаримиз, колхоз ва совхозларимизда юксак кўтаринкилик руҳи ҳўн сураётганлиги бу ишимиз самараларидан далолат бермоқда. Деҳқонларимиз эртаги экинлар экишни қисқа муддатларда туталлаб, ҳўзир уларни парваришлашни мадал олиб бориляпти. Барча кўрсаткичлар бўйича биринчи кватрал планлари муваффақиятли бажарилади. Эндиликда бутун куч ва имкониятлар 1984 йил ва умуман беш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга қаратилмоқда.

X. МАЛИЛОВ,

Калинин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ўрганиши қўзда тутилсин. Психологик-педагогик таъйргарлик савияси оширилсин, практиканинг ташкил этилиши ва мазмун яхшиланиши. Этика ва эстетика, логика, совет ҳўқуқини ўқиш, тарбиявий иш методикаси кенгайтирилсин. Педагогика институтларида зарур шартотлар яратилишига қараб таълимнинг беш йиллик муддатида ўқиш, педагогика ўқув юртиларини юқори сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, педагогика олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилар составини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча таъбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин.

Университетларда ўқитувчилар тайёрлаш сифати оширилиши, уларнинг педагогика олий ўқув юртиларига илмий тадқиқотларни ривожлантиришдаги, илмий-педагог кадрлар малакасини оширишдаги ёрдами кучайтирилиши лозим.

Умумий таълим мактабларининг, ҳўнар-техника билим юртиларининг, ўрта махсус ўқув юртиларининг, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларининг педагогларига, тарбиячиларга, ишлаб чиқариш таълими мастерларига ошиб борадиган эҳтиёжларини тўла таъминлаш, инженер-педагогик маълумот бериш ривожлантириш зарур. Маорифнинг ҳамма бўғинлари учун фақат олий педагогик маълумотли ўқитувчилар ва тарбиячилар тайёрлашга ўқишни амалга ошириш учун шартот яратилсин.

32. Болалар билан ишлашга иштиёқи бўлган ёшларни ўқишга танлаб олиш— маориф органларининг, педагогик кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртиларининг энг муҳим вазифасидир. Нигитларни педагогика ихтисослари бўйича ўқишга қабул қилишни анча кенгайтириш керак. ВЛКСМ Марказий Комитети мактабларини, билим юртиларини битириб чиқувчиларни, СССР Қўролли Кучлари сафларидан запаста бўшатиш шахсларни ишлаб чиқаришдан келган ёшларни, педагогика олий ўқув юртиларига ва университетларини тегишли факультетларига комсомол йўлланмалари билан юбориб турсин. Педагогика ўқув юртиларига мактабларининг ва ўрта ҳўнар-техника билим юртиларининг педагогика советлари меҳнат коллективлари, халқ маорифи органлари таянчилари билан студентлар қабул қилиш тажриба қилиб қўрилсин.

33. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш системаси янада такомиллаштирилиши лозим. Педагоглар маҳоратини ошириш, илгор тарбияни умумлаштириш ва оммалаштиришнинг илмий-методика марказлари бўлиши ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ривожлантирилсин. Бу институтларда тегишли кафедралар ташкил қилинсин, уларда ишлаш учун малакали мутахассислар жалб этилсин. Қўнда тариқасида педагог хар тўрт-беш йилда бир марта қайта тайёрларилдиган ўқиш турини мақсадга мувофиқлашсин. Уларнинг марказ-леннингиз назарияси, КПСС сиёсати, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ақтуал проблемаларини ўрганишга эътибор қўчатирилсин. Ўқитувчининг ўз маълумотини доимо ошириш ва такомиллаштириш учун унга ҳамма зарур шартотлар яратиб берилиши, уни сиёсий, илмий ва бадий адабиёт билан таъминлаш ахшиланиши керак.

34. Халқ депутатлари Советлари, халқ маорифи органлари, касба соқоз ва комсомол ташкилотлари педагог кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, уларнинг қўнимсизлиги қисқартирилиши юзасидан зарур чораларни қўришлари, ўқитувчиларнинг меҳнат ва турмуш шартотларини, уларга медицина хизмати кўрсатишни, санаторийларда даволанишини ахшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари, уларга уй-йўли биринчи навбатда беришлари лозим. Ёнг яхши педагогларнинг ишнинг маънавий ва моддий рағбатлантириш практикаси кенгайтирилсин. Биринчи сентябрь қунини умумхалқ байрами — Билимлар қуни деб эълон қилинсин. Меҳнат Шўҳрати ордени статусига ўзгартириш киритиб, болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришдаги муваффақиятлар учун ўқитувчиларни ва халқ маорифининг бошқа ҳодимларини шу орден билан мукофотлаш мумкинлиги қўзда тутилсин.

Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг, ишлаб чиқариш таълими мастерларининг, методистларнинг ва халқ маорифи системаси бошқа ҳодимларининг иш ҳақи оширилсин. 35. Педагогика фани мактаб ишларининг савиясини ва самардорлигини оширишда янада салмоқли ҳисса қўлиши лозим. Бу фанининг ҳаёт билан, мактаб практикаси билан боғланшини кучайтириш жуда муҳимдир. СССР Педагогика фанлари академияси, педагогика илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртилари ва университетлар умумий таълим ҳамда ҳўнар мактабларини ақтуал проблемаларини ишлаб чиқишда тўбдан бўрилиш асосинлар.

Тадқиқотларнинг сифати ва самардорлигини оширишга ҳаракат қилиш, уларнинг натижаларини практикага кенгроқ юрти этиш зарур. Педагог олимларининг, психологлар, дидактикалар, методистларнинг илмий асарлари конкрет тавсияномаларда, ўқув ва методик қўлланмаларда ўз ифодасини топиши керак. Педагогика билимларини пропаганда қилишни кучайтириш, илгор тарбияни умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида Бутуниттифоқ педагоглар жамияти тўзилсин ва СССР халқ маорифи марказий музейи барпо этилсин.

VII. МАОРИФНИНГ ЎҚУВ-МОДИЙ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

36. Умумий таълим ва ҳўнар мактаби ўқувчиларининг, мактабгача тарбия муассасалари, интернатлар ва бошқа муассасаларда тарбияланувчиларнинг қўнайиши, таълим-тарбия вазифаларини мураккаблашувчи, меҳнат таълимининг кенгайтириш маорифнинг моддий базасини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш талаб этади. Колхозда мактабгача тарбия муассасаларидаги талаб-эҳтиёжларини тўлиқ қондирини, қуни узайтирилган гуруппалар учун ва мактабларининг бир сменада ишлаши учун, олти ёшдаги болаларни ўқиш учун шарт-шартотларни вужудга келтириш, меҳнат таълими, ўқишдан ташқари вақтда болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун зарур базани яратиш каби проблемаларни ҳал этиш лозим. Бунинг учун айниқса янги районларда мактаблар, устакхоналар ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ҳўнар-техника билим юртилари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, педагогика ўқув юртилари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, педагог ҳодимлар учун уй-йўли, ўқувчилар учун ётоқхоналар ва интернатлар қурилиши кенг программасини амалга ошириш керак.

Ўқув юртиларининг биноларини ҳамда ётоқхоналарини қўриш, ремонт қилиш ва жиҳозлаш учун давлат ва кооператив корхоналарининг, совхозлар ва колхозларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш уларга шу мақсадлар учун маблағ ҳамда ресурслар ажратиш ҳўқуқини бериш лозим. Ўқув юртилари биноларининг замонавий таълим-тарбия жараени талабларини ҳисобга олувчи янги лойиҳалари ва қурилиш нормативлари ишлаб чиқилиши зарур.

37. Министрликлар билан идоралар малакали ишчилар тайёрлашни кенгайтириш учун ўрта ҳўнар-техника билим юртилари тармоқларини ривожлантиришга капитал маблағ сарфлашнинг қўнайитиришлари керак. Корхоналарни реконструкция қилиш билан айни бир вақтда улар базасида ишлаб турган билим юртилари, ўқув комбинатлари, цехлари, участкалари, устакхоналари техника билан қайта таъминланиши лозим.

Ўқув жиҳозлари, кўргазмалар ўқув қўроллари ва таълимнинг замонавий техника воситаларини меъсирлар, станоклар, асбоблар, электрон-ҳисоблаш техникаси, қишлоқ ҳўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур.

VIII. ХАЛҚ МАОРИФИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

38. Умумий ўрта ва ҳўнар таълимнинг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора яқинлаштириб, бирлаштирмоқда. Бошқарув органлари ёш авлодни ўқиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртиларини иш савияси ҳўзирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Шундай сиёсатни яна ҳам яқинроқ амалга ошириш, маориф системаси турли бўғинларининг фаолиятини самарали равишда мувофиқлаштириш, маорифга ва профессионал таълимга амалий раҳбарлигини кўчатириш мақсадида мар-

казда ва жойларда: СССР Министрлар Советидан бошлаб халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларигача бўлган даражада идораларро коммиссиялар тўзилсин. Бу коммиссиялар зиммасига ўқув юртиларини планлаштириш ва комплектлаш, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларни битириб чиққанидан сўнг ўқишни давом эттираётган ёшларни тақсимлаш, меҳнат тарбияси ва таълими учун шартотлар яратиш моддий базани ривожлантириш ва ундан

ПАРТИЯНИНГ ИШИ — БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИ

(Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ ҳужалиги ва социал вазифаларини ҳал этишда министриларнинг, барча даражадаги раҳбарларнинг роли ва масъулиятини янги куч билан таъкидлади. Партия, меҳнатқиллар у ёки бу раҳбарнинг нақадар муваффақиятли ишлаётганини ҳақида халқлар ва шартномавий мажбуриятларнинг тўла-тўқис, ўз вақтида баҳарлиқлигига қараб эмас, шу билан бирга одамларнинг турмуш ва меҳнат шартлоқларини яхшилаш соҳасида сарфлаётган реал куч-ғайратларига ҳам қараб фикр юртадилар.

Ҳозир мамлакатимизда халқ ҳужалигини бошқариш системаси ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда, иқтисодий фаолиятининг янги формалари ва структуралари кенг миқёсда қилиб бериляпти. Партия шу муҳим иш йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга бу йўналишлар билан мавжуд бошқарув муассасаларида янада самарали фойдаланишдан чалғитмаслигини нақадарлигини уқтиримоқда. Мамурий апаратини қисқартириш проблемаси ҳам шу иш билан chambarchas bog'langan. Бу проблемани Пленум катта эътибор берди. Ишлаб чиқаришда ва бошқарувда шугулланаётган ходимлар сонининг энг мақбۇл нисбатига қатъият ва изчиллик билан эришиш, мамурий апаратнинг катталашиб кетиши сабабларини тугатиш, бошқарув меҳнатининг таъкид этилишини ва унинг техника билан таъминланишини доимо яхшилаш зарур.

Ҳозирги шартда совет қонуналарини янада такомиллаштириш, қабул этилган қонуналарга бекам-қўст риоя этиш алоҳида аҳамият касб этади. Биздаги қонуналарни бузишга, четлаб ўтишга ҳам ҳеч қиммий ҳаққи йўқ. Бу гап тасдиқлаб қўйилган намуналарга жуда бевосита тааллуқлидир. План қонун бўлиб қолганидан кейин унинг ҳурмат қилини, бекам-қўст баъарини ва унга риоя этиши керак. Бу—хўжалик интизом масаласига эмас, деб уқтиришди Пленумда. Бизнинг ҳуқуқий нормаларини, қонуналарини меҳнатқилларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг меҳнат гайратини ва иқтисодий активлигини ривожлантиришга қаратилганлиги учун ҳам бу масала айниқса муҳим партиявий, сиёсий масъулият масаласидир.

Партия ўзининг ленинча миллий сиёсати доминийини ва изчиллигини яна бир бор тасдиқлади. Советларнинг, партия ташкилотларининг диққат-эътибори бизнинг каби кўп миллатли мамлакатда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш вазифаларини эътиборга олмасдан бўлмайди, бу вазифаларни кун тартибидан чиқариб бўлмайди. Бизнинг давлатимизда таркиб топан миллатлараро муносабатлар янги вазиятларнинг ва замониинг таъсирига узрамайди қандайдир қотиб қолган, ўзгармас бир нарсаси эмас. Бунинг маъноси шунки, ишнинг мавжуд, ўзини оқлаган ташкилий форма ва методларини ривожлантириш билан бирга миллатларнинг равақ топишга ва ўзаро яқинлашишга қўмақлашувчи бошқа форма ва методларни доимо қидириш керак.

Пленумда мактаб ишини ислоҳ қилишда зўр умум сиёсий аҳамиятга молик масалалар муҳасал баҳо берилди. «Совет жамаияти узғр мақсадларини сари дидил олга солишмоғи учун ҳар бир янги авлод маълумот ва умумий маданиятнинг, касб-кор малакаси ва граждн активлигининг янада юқори поғонасига қўтарилиши керак. — деди ўртоқ К. У. Черненко. — Социал тараққийнинг қонуни мана шу, деб айтиш мумкин».

Исҳоот умумий таълим ва ҳунар мактабларини ишини сифат яхшилатиш янги поғонага қўтарилиш, унинг фаолиятида мавжуд камчиликларни тугатиш, ўқувчиларнинг илм-фан асосларини чуқур эгаллашгани, уларда мустақам коммунистик эътилод, меҳнатсеварлик, ахлоқий покликни шакллантириш, уларни социалистик кўп миллатли Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга

тайёрлик руҳида, пролетар интернационализм руҳида тарбияланиш таъминлаш лозим. Исҳоотнинг амалда оширилиши таълимни умумий меҳнат билан бирга қўшни асосида мактаб ўқувчиларини меҳнатсевар қилиб тарбиялаш ва уларни касб-кор ўрганишга қизиқтириш, ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлашни тўддан яхшилаш, ёшларга умумий ўрта таълим беришни умумий ҳунар таълим билан тўлдирини имконини беради.

Марказий Комитетнинг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳани бутун халқ томонидан муҳокама қилинди, миллионларнинг коллектив айд-заковати ва тажрибаси билан бойитилди. Энди исҳоот қонлари тўла-тўқис турмушга татибқ этилиши керак — партия масалани шу тарзда қўймоқда. Мактабни ислоҳ қилиш соҳасидаги бутун иш учун мустақам моддий ва ташкилий база вужуд га келтириш, Лениннинг ягона, меҳнат, политехника мактаб тўғрисидаги қонларнинг замонавий шартлоқларга тағбиқан изчиллик билан ривожлантириш ҳозирги бош вазифадир. Бунда бизнинг стратегик мақсадимизни эътибордан четда қолдирмаслик — ҳар томонлама баркамол инсонни воғга етказиш, совет халқ моруфий ҳақли равишда факрланадиган қийматли ютуқларнинг бир миқсодли ҳам бнр бермаслик муҳимдир.

Партия мактаб ишини ислоҳ қилишнинг кенг миқёсди социал-иқтисодий тадбир тарзида ишлаб чиқиб, бу соҳада ўқитувчининг алоҳида ролини ўқтириб ўтди, халқ маорифи ходимларининг жамоат ўртасидаги обрў-эътиборини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шартлоқларини янада яхшилаш соҳасида қўйилган янги қадимларни белгилаб берди. Шу йилнинг 1 сентябидан бошлаб ўқитувчиларнинг ва халқ моруфий бошқа ходимларнинг иш ҳақи аста-секин, босқичма-босқич ўрта ҳисобда 30—35 процент оширила буюлади. Бу тадбирдан 6 миллион киши баҳраманд бўлади ва унга йилга сал кам 3,5 миллиард сўм сарф қилинади. Шу қадар катта маблағни топиш осон эмас, аммо партия бутун халқ пулини жуда тўғри, омиликорлик билан сарфлаш деб ҳисоблайди, бу маблағ совет кишиларнинг маданияти ва оғиллигини оширишда, ёш авлодини истеъдодини ривожлантиришда рўйга чиқади. Бундай ёндашув социалистик тузум модий-тининг узидан келиб чиқади.

Мактаб ишини ислоҳ қилиш истиқбол характерида бўлиб, икки беш йилликка мўлжалланган. Аммо исҳоот билан боғлиқ бўлган, бироқ, кўп жиҳатдан унинг доирасидан чиқиб кетадиган проблемаларнинг характери ва миқёсларини ҳозирнинг узндаёқ тасаввур қилиш мумкин. Ҳужумдан, мактаб билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқасини сабот билан мустаҳкамлаш, эконоимикнинг турли тармақларида энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва юқори синф ўқувчилари умумий меҳнат қила оладиган бир неча миллион иш жойини вужудга келтиришга баравақ ҳозирлик қилиш зарур. Ҳар бир министрилик ва идорадан, комсомол ва касабо союзуларидан, меҳнат коллективларидан катта куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинади. Бу ўринда гап умумхалқ иши ҳақида бор-юқда, шу сабабли ҳеч ким бу ишдан четда қола омайди.

Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш, уларнинг КПСС социал-иқтисодий сиёсатини рўйга чиқаришдаги ролини ошириш, умумхалқ давлатини ва социалистик демократияни такомиллаштириш соҳасида партия сарфлаётган куч-ғайратлар қонуний равишда таъкид сиёсий фаолият соҳасини ҳам ўз ичига олади. КПСС билан Совет давлати ядро урушининг олдини олиш, Ер юзнда тинчликни сақлаб қолни ва мустаҳкамлаш, жаҳон сиёсатидagi кескинликни камайтириш, қуруланиш поғонасини янгилаш учун жуда катта куч-ғайрат сарфламоқда. Социализмнинг халқаро позицияси

рини, озодлик ҳаракатлари билан бирдамликни мустаҳкамлаш ҳақида улар кун сайин ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу соҳада Халқ депутатлари Советларининг ва аявало СССР Олий Совети палаталари таъкид ишлар домини комиссияларининг фаолият майдони жуда кенг.

Партия Ватанимизнинг мудоффа қобилиятини янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳозирги ваъит биздан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва совет кишиларнинг тинч меҳнатини пухта ҳимоя қилиш соҳасида доимо ва ҳар томонлама куч-ғайрат сарфлашни талаб қилмоқда. Советлар бу вазифани ҳал этишга ўз ҳиссасини қўйиши керак.

Халқ, мамлакат қўлаётган ҳамма вазифаларга доимо ва фидо ғамхўрлик билан қарайган партия ҳамма соҳаларда XXVI съезд қарорлари қандай бажарилаётганига эътибор билан назар ташлаш зарурлигини уқтироқда, чунки тез орада КПССнинг янги, XXVII съезди ўтказилади, бу съездега ҳозирнинг узндаёқ тайёргарлик қўриш керак.

Коммунистлар учун съездега тайёргарлик қўриш — эришилган ютуқларни идрок қилиш, яқинлаш даври, биз эришган жаҳимни ижобий натижаларини актив мустаҳкамлаш давридир. Шу билан бирга бу—йўл қўйилган хато-лардан сабоқ чиқариб олиш, камчиликларни ўз-ўзини танқид асосида анализ қилиш, уларни бартараф қилиш йўллари ва энг муҳими — янги катта вазифаларни ҳал этиш йўллари белгилаш даври ҳамдир.

Партия янги, ўш иккинчи беш йиллиқни ишлаб чиқишга биринчи даражада аҳамият бермоқда. Мамлакатини яқин ўш йилликларда ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари ва истиқболларини белгилаб олиш ҳам муҳимдир. «Чунки биз XXVII съезд муҳокамасига янги тақрирдаги партия программасини қўймоқчимиз, — деб ўқтирди ўртоқ К. У. Черненко. — Шу босдан ҳам программа учун салмоқли умумий назарий пойдеворни ярати қўлай, уни яқин асосланган иқтисодий планлар ва прогнозлар билан ҳам узвий равишда боғлаш керак. Бу эса ривожланган социализмни такомиллаштириш ва коммунизм сари босқичма-босқич олга боришининг объектив, реалистик манзарасини ҳосил қилиш имконини беради».

Шу мақсадда партия ўзининг коллектив фикрини, умумий назарий фикрининга эмас, сиёсий фикрини ҳам активлаштиришга интиломоқда. Янги тажриба билан бойитилган назария ва марксизм-ленинизм назарияси асосида идрок қилинган тажриба — доимо КПСС куч-қувватларининг энг муҳим манбаи бўлиб келди ва манбаи бўлиб турибди.

1984 йил апрель Пленуми, у қабул этган қарорлар, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари янги тақрир қўйилган СССР Олий Советининг биринчи сессияси ишига белгиловчи таъсир ўтказди. Сессияда СССР Олий Советининг Президиуми ақидилик билан сайланди, СССР Министрлар Совети тузилди, СССР Министрлар Советининг келгусидаги фаолият ҳақида берган баёоти, умумий таълим ва ҳунар мактабни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари маъқулланди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси партияни, бутун совет халқини жаҳиятнинг тараққийотининг ҳозирги босқичидаги кундалик ва истиқбол вазифаларини амалга ошириш соҳасида конкрет йўл-йўриқлар билан қуруллатилди. Энди бу вазифалар ҳар бир совет кишини етказиш зарур. Бунда матбуот, радио ва телевидениенинг роли жуда катта. Уларнинг асосий вазифаси — омилнинг ташаббусини қўлаб-қувватлашдан, илгир тажрибани омиллаштиришдан, социалистик муносабатни янада кенг авж олдиришдан, резервларни қидириб топишда ва улардан фойдаланишда, камчилик ва қийинчиликларни тугатишда ёрдам беришдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси Ленин партияни теваригида маҳкам жишланган совет кишилари партиянинг сингалан раҳбарлигида қабул этилган қарорларни муваффақиятли равишда турмушга татибқ этишлари, коммунистик бунёдкорлик улуғ йўлида янги зафарларга эришадилар, деб қатъий ишонч наҳор қидиладар.

(«ПРАВДА» газетасининг 16 апрелдаги бош мақоласи).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1984 йил 28 апрель, шайба дам олиш кўниги 30 апрель душанбага кўчирилган ва 1984 йил 29 апрелни иш кўни деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ишчи ва хизматчилар фойдаланмаган 1984 йил 29 апрель дам олиш кўни уларнинг йиллик отпусчасига қўшилсин, шу кун учун ҳақ отпусқа кунларига тўлашдан ҳақ шаклида тўлансин.



ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Бугун пойтахтимиздаги «Динамо» стадиони теннис кортида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун теннис бўйича IV халқаро турникр тангалини суратда очилди. Кеча эса мусобақаларнинг биринчи босқичи бошланди.

Мазкур турнир 1981 йилда илк бор ташкил этилган. У теннис бўйича мусобақаларнинг жаҳон классификациясига кирган. Шунинг учун ҳам пойтахтимизда ўтаётган анъанавий учрашув катнашчиларнинг давраси кенгаймоқда, спортчилар, мутахассисларда унга қизиқиш ортмоқда.

Яқинлашаётган XXIII Олимпиада ўйинлари муносабати билан мусобақалар алоҳида аҳамият касб этади. Серкуш ўлкамизда, ҳар йили сўлим баҳор фаслида бўлаётган кўпчи бахсларда 18 ёшгача бўлган умидли йигит-қизлар иштирок этишади. Тошкентда миктоҳдан ўтган кўпгина спортчилар ҳозир Европа, жаҳон чемпионатларида ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Бу йили «Динамо» теннис кортида Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республи-

каси, Кипр, Польша, Туркия, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари куч синишади.

Совет теннисчиларидан кўпгина халқаро турнирларнинг совриндорлари: москвалик Наталья Бикова, Андрей Чесноков, Андрей Алонскийлар мусобақанинг дастлабки кўнуб соврин олишга бел боғлаганликларини кўрсатдилар.

Бахсларда 10 дан ортик тошкентлик теннисчи иштирок қилмоқда. СССР тарма командасига номзод Виктор Богатирёв, шунингдек, бутунтиффок марказий қўнгилли спорт жамаиятларининг совриндорлари Елена Кибарёва, Айрат Ялапов, Юрий Евлев, Петр Лебед, Ефим Бублик, Руфина Ялапова, Елена Максименко, Татьяна Федорова каби спортчилар шугул жимласидандир.

Халқаро турнирда юзга яқин теннисчи 7 кун давомида мусобақалашади. Янги бахслар эса олимпиада системасида ўтказилади. Тошкентда 21 апрелда финал учрашуларининг гувоҳи бўлишди.

Б. ПУЛТОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҒУН

MT 1. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультипликация. 10.35 — Фильм-спектакль. 13.05 — 15.00 — Янгилликлар. 15.20 — Хўжасатли фильмлар. 15.50 — Илмий-оммабон журнал. 16.35 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.05 — «Болларга хайонлар

кекида». 17.40 — Кинопрограмма. 18.15 — «Учим курсант». «Ойла ва мактаб» туркумидан. 18.45 — Футбол шарҳи. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Ишлар ва одатлари». 20.00 — «Халқларнинг кўниги». Бодий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — «Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». 24.00 — «Дунё воқеалари». MT 11. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — 9.35 — Илмий-оммабон фильм. 9.55 — 10.15 — Илмий-оммабон фильм. 12.05 — 12.40 — «Шахмат мак-

таби». 14.05 — Н. С. Лесков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.00 — «Тарих саҳифалари». 15.45 — «Драматургия ва театр». 16.30 — Концерт. 17.05 — 18.30 — Янгилликлар. 18.50 — «Совет Иттифоқида хизмат қилмаган». 19.50 — 20.30 — «16 ёшгача ва ундан катталари». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.00 — «Кеча келди». Телевизион фильм. 23.10 — Музикали курсатув. 24.00 — Стол тенниси.

ЭТВ 1. 10.00 — «Ахбороти.

10.20 — «Қизил велосипед». Телевизион бодий фильм. 11.30 — Укув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгилликлар. 18.15 — Мультипликация. 18.20 — Уқитилар учун «Тенгдош». 19.00 — Эстрада программаси. 19.30 — «Ахбороти». 19.45 — Хўжасатли фильм премьераси. 20.00 — ҲССР Министрлар Совети соврини учун теннис бўйича IV Халқаро турнирининг омилиши. 20.30 — «Ахбороти». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Экинч

суми кундалиги». 22.20 — Н. Думбадзе. «Абадий қонун». Видефильм. 2-қисм. 23.35 — Янгилликлар.

ЭТВ 11. 9.00 — 17.05 — MT 11. 18.10 — Уқитилар экрани. 18.40 — Телефильм. 18.50 — «Баҳор нақшаси». Адобий курсатув. 19.20 — «Хар бир корхонага — ёрдамчи хўжалик». 19.50 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгилликлари. 20.20 — Укув программаси. 20.50 — «Сенин кўнунг жилоси». «Бир қерч ери. Телефильмлар. 21.30 — MT 11.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
/ "Ташкентская правда" /
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областной совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П, ЛЕНИН қучаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, маъсул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, сановат, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, мадани-ят ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фелетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

1984 йил 1 КВАРТАЛДА ОЛИНГАН БУЮРТМА ФИЛЬМЛАРИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Энергетика машинасозлигида илгир технология. Магистраль газ қувурларини ремонт қилишда техника хавфсизлиги. Сийда резина аллади. Рейс олдида врач ҳузурига. Автомобилда юк ташини ташкил этишда йўл—транс-порт ҳисобларининг олдини олиш. Сановат маҳсулотларини матлубот тарзида етказиб бе-ришда контейнерлаштириш. Компрессор станцияларининг жадал қурилиш усули. Автозаправка станцияларида меҳнат хавфсизлиги. Техника хизматида технология жараёнларини механизациялаш ва автомобиль корхоналарида ҳаракатдаги автомобиль составининг ремонти. Мебель индустрияси. Компрессор станцияларининг жадал қурилиш усули. Кам нормада экин экишда картошкани парвартиш. Биз ГАИнинг энг ёрдамчилари. Йўлда тез ёрдам машинаси. Техника қуриги. Халқ хўжалигини метеорологик маълумотлар билан таъминлаш.

Колхоз балиқчилигини ривожлантириш. Турмушда қуиш ҳисоблари. Автофургоналарда электр линейщикларнинг турмушини ташкил этиш. Тартибга солинган босимли зонада ишлар хавфсизлиги. Нефть қазиб олишда ремонт ишлари учун янги ас-тарлар.

Қишлоқ қурилиши ва самолётсозлик комбинатлари. «Гламострой»да сифатли бошқариш системаси. Ленинград МТС рационализаторларининг ютуқлари. «Ленинградскинефть» НГДУнинг илгир иш тажрибаси. Д-3-42 бульдозерига техника хизмати. Фенкероль — янги препарат. Портландит воситаси. Эҳтиёт бўлинг! Ишончли нефть қувури. Кубогенлар — бўёқларнинг янги тоифаси. Янги минерал озуқа қўшмачилари. Қишлоқ хўжалигида махсус пленкаларни ишлаб чиқ-ариш ва қўллаш. Трансформаторларни монтаж қилиш чоғида хавфсизлик чора-лари. Қурилиш-монтаж ишларининг геодезия сифатини таъ-минлаш.

Ўз вақтида оқилонга мойлаш — машиналар умрибоқий, лизинг таъминлаш йўлидир. Социлувчан материалларни ташинида устини ёпиш ме-тоди. Ҳаракатдаги қудуқларни бошқариш учун янги техно-логия воситалари. Янги нефть тўловчи. Программа билан бошқариладиган станоклар. СССР Тайёрлов министриги корхоналарида илгир тажрибани қўллаш. Деталларни қайта ишлаш технология жараёнларини лойиҳалаш асослари. ГАИ постидан узоқроқ жойда. Ўт озуқаларини ишлаб чиқариш. Пахтанин юқори ҳосилдорлиги асослари. Қурилишда янги тартибда ҳимоя воситасидан фойда-ланиш. ГПУ қурилмаси бўлган 21104 Н7Ф4 моделининг кўп мақсадли станог.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ


Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг РАДИОАЛОҚА ВА СИМЛИ ЭШИТТИРИШ КОРХОНАЛАРИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ремонт бўйича алоқа электромонтёрлари ва радио-лаштириш линияларини эксплуатация қилиш бўйича ало-қа электромонтёрлари. Меҳнат ҳақи вақтгай; радиотрансляция тоқналарини ўратиш ва ремонт қи-лиш бўйича алоқа электромонтёрлари. Меҳнат ҳақи иш-баи.

Линиялар эксплуатацияси бўйича электромонтёрларга маошига 50 процентга қўшимча ҳақ тўлаш билан кен-гайрилган зоналарга хизмат кўрсатиш руқсат этилади; энергетика инженери, автомобиль транспорти участка-си бошлиги, автослесарь, машинистка.

Корхонада муқофоти меҳнат ҳақи жорий этилган. Қўйидаги адреса мурожаат этишди: Тошкент шаҳри, Пролетар қўчаси, 4-й, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш ва ахборот марказий пункти ҳамда Тош-кент шаҳри район икромия комитетлари қошидаги инс-пекторларга учрашилсин.



Область ижроия комитети аппарати ходимлари ва партия, касабо союзу тап-килотлари область ик-ромия комитетининг маъсул ходими

Азимжон КОМИЛОВНИНГ бевакт вафот этганилигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар иш мархумнинг оила аъзоларига ҳамда ақилларига чуқур ҳамдард-лик бийдирадилар.

Ўзбекистон ССР Модий-техника таъминоти давлат комитетининг «Ташхисбу-снаб» корхонаси коллектив-ни корхона директори В. С. Султонмуродов, отаси

Қораб МАНИДОВНИНГ вафот этганилиги муносаба-ти билан чуқур таъзия из-ҳор қилади.

Давлат АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да Тоҳир ва Зухра, 18/IV да Сегиз ҳа-қида афсона.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТ-РИДА — 17/IV да Бой ила киз-матчи, 18/IV да Рўб.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 18/IV да Тошболта ошқ.

НАВОИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да Бой ила киз-матчи, 18/IV да Рўб.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 18/IV да Тошболта ошқ.

НАВОИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да Бой ила киз-матчи, 18/IV да Рўб.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 18/IV да Тошболта ошқ.

НАВОИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да Бой ила киз-матчи, 18/IV да Рўб.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 18/IV да Тошболта ошқ.

НАВОИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да Бой ила киз-матчи, 18/IV да Рўб.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 18/IV да Тошболта ошқ.